



КОНСТИТУЦИЯЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ВА УЛАРНИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИ

Мамажанов Жахонгир Жамолiddин ўгли

Кириш сўз: конституция, ислохот, ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, амалий тажриба, Темур тузуклари, Салон қонунлари, "Сиёсатнома", конституцион қонун, Референдум, "Тараққиёт стратегияси",

Аннотация - Мақолада "конституция биноси"нинг барпо бўлиши тарихи, илк конституциявий қонун ҳужжатлари, шунингдек, жаҳон конституциялари ҳамда конституциявий ислохотлар, шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси конституциясига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш борасида давом этаётган жараёнлар, қолаверса фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари шахсий дахлсизликларини ҳимоя қилиш янги босқичга кўтирилганлиги ифодалаб ўтилади ва ушбу ислохотлар замирида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича тафсиялар ва таклифлар келтириб ўтилган.

Annotation - The article describes the history of the establishment of the "constitutional building", the first constitutional legislation, as well as world constitutions and constitutional reforms, as well as the ongoing processes of introducing additions and changes to the Constitution of the Republic of Uzbekistan, as well as the rights and freedoms of citizens, legal interests and personal It is expressed that the protection of human rights will be taken to a new level, and the definitions and proposals for the prevention of violations are presented under these reforms.

Конституциялар, уни қабул қилган мамлакатларнинг асосий қонуни бўлиб, давлат ва жамият қурилиши, инсоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини у ёки бу тарзда ўзида акс эттирган олий юридик кучга эга ҳужжат ҳисобланади. Конституция биносининг барпо қилиниши ва ҳозирги кўринишга келиши узок тарихий даврни ўз ичига олади. Шунингдек, фанга маълум бўлишича, дастлабки конституцияга хос жиҳатлар бундан тўрт минг йил аввал қадимги Бобилда пайдо бўлган подшо "Хаммурапи қонунлари" кодексидир. Кейинги даврларда юзага келган "Салон қонунлари", мўғул "Ясоқ"лари, "Темур тузуклари" ҳам, муайян маънода, ўз даврига хос конституцион қонун ҳужжатлари бўлган, дейиш мумкин.



Давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ҳозир биз тасаввур этадиган конституцияларнинг пайдо бўлганига ҳали унча кўп вақт бўлган эмас. Баъзи манбаларда дастлабки конституция сифатида 1787-йили Филадельфияда қабул қилинган АҚШ конституцияси тилга олинади. Аслида ундан олдин қабул қилинган конституциялар ҳам бор. Бу дунёдаги энг кичик давлатлардан бири Сан-Марино Республикасининг 1600-йилда қабул қилинган асосий қонунидир. Айнан шу вақтдан бошлаб, демократик давлатларнинг асосий бош қонуни расмий юридик номга эга бўлди ва бугунги кунга қадар Конституция деб аталиб келмоқда.

Давлатимизнинг конституциявий биносини қуришда уч минг йилликдан зиёд миллий давлатчилик тажрибасига таянилган. Бугунги янги Ўзбекистон конституцияси ўзида қадимги Хоразм ва Суғдиёна, Бактрия, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Амир Темур ва Темурийлар, Ўзбек хонликларининг, миллий рухдаги тарихий анъаналарини мужассам этган.

Асосий қонунимиз Шарқий ва Ғарбий цивилизацияларни ўз ичига олган жаҳон конституциявий тажрибалари, 100 дан ортиқ мамлакатлар тўплаган илғор конституциявий тажрибаларидан фойдаланган ҳолда яратилган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон конституциясининг ғоя ва нормаларида халқимизнинг кўп асрлик тажриба ва маънавий кадриятлари, бой тарихий-ҳуқуқий мероси акс этирилгани унинг хаётийлигининг кафолатидир. Шу билан бирга, асосий қонунимиз кўплаб демократик давлатларда конституциявий қурилиш соҳасидаги илғор тажрибанинг энг яхши жиҳатларини, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг умумэтироф этилган нормалари ҳамда мазкур соҳадаги бошқа халқаро ҳужжатларга асосланган инсон ҳуқуқ ва манфаатларини, эркинлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш механизмини ўзида мужассам этган.

Конституциянинг қабул қилиниши ижтимоий ва давлат қурилишининг барча жабҳаларидаги муносабатларини, миллий қонунчилигимизнинг барча соҳаларини тартибга солувчи аниқ ҳуқуқий тизимни ташкил этди. Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз парламенти конституция нормаларига мувофиқ 700 га яқин қонунларни қабул қилди, 200 дан ортиқ кўп томонлама халқаро шартномани ратификация қилди ва шу тариқа асосий қонунимизни амалга оширишнинг яхлит ҳуқуқий механизми яратилди. Унинг самарадорлигини вақт ўзи кўрсатиб турибди ва бу бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.



Академик А.Х.Саидов таъкидлаганларидек, асосий қонунимизга нисбатан бундай юксак ва холис баҳолар берилиши беъжиз эмас. Жумладан қуйидаги сабаблар билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, бизнинг конституция ҳақиқатан ҳам демократик конституциядир. Тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий кадриятларни, халқаро андозаларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир.

Иккинчидан, бизнинг конституция энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилган. Бунда қайсидир давлатнинг тайёр конституциясини кўр-кўрона кўчириб олиш йўлидан бормай, балки энг илғор хорижий конституциявий тажрибаларни ўргандик ва эътиборга олдик. Натижада эндиликда бош қомусимиз дунё миқёсида ҳам ҳар қандай тараққий топган давлат конституцияси билан бемалол куч синашмоқда.

Учинчидан, конституциянинг ғоя ва нормалари ўзбек халқининг теран тарихий илдизларига асосланган бўлиб, у кўп асрлик тажриба ва маънавий кадриятларни, улуғ аждодларимизнинг ҳуқуқий меросини ўз ичига олган. Конституциямиз асосида мамлакатимизда миллий қонунчилик тизими, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари шаклланди. Бугунги кунда барча жабҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва харбий салоҳиятимиз юксалиб, фуқароларимизнинг дунёқараши тобора ўсиб бормоқда. Буларнинг барчаси, энг аввало, бош қонунимизнинг ҳаётбахш куч-қудрати натижасидир.

Мамлакатимиз давлати ва ҳуқуқи тарихига мурожаат қиладиган бўлсак, конституцияга хос бўлган жиҳатларни ўзида мужассам этган илк китобларнинг вужудга келиши узоқ ўтмишга бориб тақалишига гувоҳ бўламиз. Хусусан, Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асарида давлат бошқаруви, ҳокимиятнинг бўлиниши, ижро ҳокимиятини шакллантириш, амалдорларни вазифасига тайинлаб, вазифасидан озод қилиш, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатлар, солиқ ва молия тизимини шакллантириш билан боғлиқ кўплаб жиҳатлар ёритилган. Мустатақилликдан сўнг Ўзбекистон конституциясининг яратилишида шу каби тарихий асарлар, шунингдек, 100 дан ортиқ давлатлар тажрибаси чуқур ўрганилган ҳамда мамлакатимиз тараққиёти учун аҳамиятли бўлган жиҳатлар инобатга олинган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини яратиш борасидаги энг муҳим қадамлардан бири 1990-йил 21-июн куни Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти Ислом Каримов раислигида давлат



арбоблари, депутатлари ва мутахасисларининг 64 нафар аъзосидан иборат конституциявий комиссиянинг тузилиши бўлган.

Бу ўринда мазкур кенгаш таркибида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев ҳам бўлганлиги ҳамда қомусимизнинг яратилишига жуда катта ҳисса қўшганлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Ушбу комиссия томонидан 2 йилдан кўпроқ вақт давомида олиб борилган меҳнат натижасида мамлакатимиз конституцияси лойиҳаси тайёрланган.

Конституциянинг биринчи лойиҳаси 1992-йил 26-сентябрь куни матбуотда чоп этилиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Тарихий маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, конституциявий комиссияга қомусимиз лойиҳаси юзасидан турли-хил фикрлар билдирилган 600 га яқин хат келиб тушган. Бунда мамлакатимиз фуқаролари томонидан билдирилган фикрлар 5000 мингдан ортиқни ташкил этган. Фуқаролар томонидан билдирилган фикрлар инobatга олинган ҳолда конституция лойиҳаси тўлдирилган ва 1992-йил 21-ноябрда иккинчи марта умумхалқ муҳокамасига қўйилди. 1992-йил 8 декабрда эса қабул қилинган. Маълумки Конституция мамлакатимиз тарихидаги энг оғир даврда қабул қилинган. Умуман илк мустақиллик йиллари сиёсий барқарорлигимизга турли-хил таҳдидларнинг мавжудлиги, Наманган, Тошкент каби вилоятларда этник можаролар чиқариш учун террористик ҳаракатларининг амалга оширилиши, иқтисодий қийинчиликлар, жумладан озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида жиддий муаммоларнинг юзага келиши даври ҳисобланади. Бундай таҳликали даврда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон манфаатларини энг олий кадрият деб биладиган, барча фуқаролар ўзларига муносиб тарзда, фаровон ҳаёт кечира оладиган, тинчлик ва тотувлик таъминланган давлат барпо этиш йўлида қабул қилинган.

Мамлакатимиз конституцияси инсон ҳуқуқларини олий кадрият сифатида қуриб, демократия тамойилларини ўзида мужассам этган ва юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг фаровон ҳаёт кечиришини, қонун устуворлигини, барчанинг қонун олдида тенглигини таъминлашга қаратилган тарихий ҳужжат ҳисобланади.

Конституциямизга бугунги кунга қадар кўплаб ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат ҳисобланади:

2011-йил 18-апрелда қабул қилинган қонун билан конституциясининг **78, 80, 93, 96, 98-моддаларига** узгартириш ва қўшимчалар киритилган;



2011-йил 12-декабрда қабул қилинган қонун билан конституциянинг **90-моддаси иккинчи қисмига** тузатиш киритилган;

2014-йил 16-апрелда қабул қилинган қонун билан конституциянинг **32, 78, 93, 98, 103, 117-моддаларига** ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган;

2017-йил 6-апрелда қабул қилинган қонун билан Конституциянинг **80, 81, 83, 93, 107, 110, 111-моддаларига** ўзгартиш, қўшимчалар киритилган;

2017-йил 31-майда қабул қилинган қонун билан Конституциянинг **80, 93, 108, 109-моддаларига** ўзгартиш, қўшимчалар киритилган;

2017-йил 29-августда қабул қилинган қонун билан **Конституциянинг 99, 102-моддаларига** ўзгартиш, қўшимчалар киритилган;

2018-йил 15-октябрда қабул қилинган қонун билан **105-модданинг биринчи қисмидаги** икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) унинг маслаҳатчиларини деган сўзлар раисни (оқсоқолни) деган сўзлар билан алмаштирилган;

2019-йил 18-февралда қабул қилинган қонун билан **80, 93-моддаларига** ўзгартириш киритилиб, Миллий хавфсизлик хизмати Давлат хавфсизлик хизмати деб юритила бошланди;

2019-йил 5-мартда қабул қилинган қонунга асосан **79, 93, 98-моддаларга** ўзгартиришлар киритилган;

2019-йил 4-сентябрда қабул қилинган қонунга асосан сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан **96, 117-моддаларга** ўзгартиришлар киритилган.

2021-йилнинг 8-февралида қабул қилинган қонунга асосан Конституциямизнинг **7, 33, 85, 86, 93, 98, 100, 107 ва 117-моддаларига** ўзгартиришлар ва тўлдиришлар киритилди.

2023-йилнинг 30-апрел куни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳририни қабул қилиш учун референдум бўлиб ўтди. Деферендум натижасига кўра 11 та моддадан иборат тегишли қонуннинг қабул қилиниши асос бўлди.

Бунга қадар 1992 йилдан буён конституцияга жами 15 марта ўзгартиш киритилган эди. Бу сафар эса ўзгаришлар кўлами катталиги сабаб ҳужжатнинг янги таҳрири қабул қилинди. Янгиланиш натижасида, бош қомусдаги моддалар сони 128 тадан 155 тага, ундаги нормалар эса 275 тадан 434 тага ошди. Умуман, расмийларга кўра, конституция 65 фоизга янгиланганди. Шундай қилиб, 2023-йил 1-майдан эътиборан янги таҳрирдаги конституция кучга кирди.



Юртимизда аҳолининг тинч-осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, шунинг-дек, бошқа ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этиш бўйича кенг кўламли ҳаракатлар бошлангани ва янги тизим яратилгани ижобий натижалар бермоқда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилган кенг кўламли конституцион ислохотлар натижасида мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий ва моддий-техник база яратилди, профилактика инспекторларининг иши ғоят масъулиятли ва шарафли касбга айланди.¹

Ўтган қисқа давр ичида ички ишлар тизими ва унинг фаолиятини тубдан янгилаш, ҳамда конституциямизга мослаш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлилига таяниб, шунингдек, ички ишлар органлари фаолиятига янги тартиблар ва механизмларнинг жорий этилганлигини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, тизимдаги ислохотларнинг биринчи босқичи якунланди. Ушбу босқич якунларини сарҳисоб қилар эканмиз, соҳада дастлабки самаралар кузатилаётганлигини қайд этиш жоиз. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида салмоқли натижаларга эришилди.

«Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади»² Президентимиз томонидан бундай фикрларнинг ўртага ташланиши бежиз эмас. Бугунги ҳаёт, тараққиёт янги ғояларни, янги фикрларни, ҳар бир соҳада илм-фан билан ҳамкорликни талаб қилмоқда. Инновацион ривожланиш ҳаётий заруратга айланмоқда. Бу жараён бевосита ички ишлар тизими фаолияти билан ҳам боғлиқ. Зеро, мамлакатимизда 2018 йил «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилиниши ҳам ички ишлар тизимида жиддий ислохотларни амалга оширишни талаб этади.

Хўш, бу борада мамлакатимизда фуқароларнинг ишончи ва меҳрини қозонадиган, халққа хизмат қиладиган ички ишлар тизимини яратиш учун

¹ Мирзиёев Шавкат Миромонович. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. – Тошкент. «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. – 64 б.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2017. – 23 дек.



ислохотларнинг келгуси босқичида қандай аниқ вазифаларни бажариш муҳим ва зарур? Бунинг учун бир неча йўналишларда иш олиб бориш талаб этилади.

Биринчидан, тизимда ходимларнинг иш фаолиятини эски «қолип»лар асосида ташкил этишга бутунлай барҳам бериб, уларнинг хизмат бурчини **халқ манфаатларига хизмат қилиш** тамойили асосида бажаришини амалда тўлиқ таъминлаш зарур.

Маълумки, тизимда тартиб-интизом ва масъулиятнинг бўшаштириб юборилиши, фаолиятнинг замон талаблари асосида ташкил этилмаслиги, хизмат вазифасига лоқайдлик ва бепарволик билан муносабатда бўлиш каби ҳолатлар жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятидаги умумий натижадорликка салбий таъсир кўрсатади.

Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 9 февраль куни ўтказилган ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида ниҳоятда тўғри таъкидланган эди:

инсон манфаатлари билан боғлиқ масалаларни кечиктирмасдан ҳал қилиш лозим бўлган бугунги кунда эскича фикрлаш, ишни эски «қолип»лар асосида ташкил қилиш, ўз бурчини элга хизмат тамойилига асосланиб эмас, балки шахсий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда бажариш каби амалиётлар давом этмоқда;

ички ишлар органлари шундай ишлаши керакки, токи халқ давлатдан рози бўлсин. Лекин айрим жойларда уларнинг фаолияти одамлар эътирозига сабаб бўлмоқда;

танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиб қолиши, муаммоларни кабинетда ўтириб эмас, балки халқ орасида юриб аниқлашга ва уларнинг ечимини топишга қаратиш, якуний натижа учун раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш, фуқаролар мурожаатларини қисқа муддатларда ҳал қилиш, ишда аниқ тартиб ва қатъий интизом ўрнатиш, соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш, ишдаги ҳар қандай салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва бундай иллатлар илдизини қуритиш – ички ишлар органларининг устувор вазифаси ҳисобланади;

муурожаатлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш энг долзарб вазифалардан биридир. Шу боис фуқаролар билан муносабатларни тубдан қайта кўриб чиқиш, одамлар билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш,



халқ билан ҳамнафас бўлиб яшаш ва инсон манфаатларидан келиб чиқиб ишлаш лозим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси янги тахрир 2023-й.
2. Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодекси
3. <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси).
4. <http://пресс-сервисе.уз/уз> Ўзбекистон Республикаси президентининг расмий веб-сайти.
5. <http://натлиб.уз> (Ўзбекистон Республикаси Алишер Навоий Номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси).
6. <http://акадмвд.уз> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси).
7. <http://зиёнет.уз> (Зиёнет портали).
8. <http://утубе.уз/ру> (утубе.уз таълим видеопортали).
9. <http://боок.уз/> (Елеклрон адабиётлар кутубхонаси).
10. <http://www.xc.uz> («Халқ сўзи » газетаси).